



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 10 май, № 96 (7326)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ — МАРДЛИК МАКТАБИ, ҒУРУР-ИФТИХОР МАНБАИ



Пойтахтимизда 9 май — Хотира ва Кадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 74 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Мардлик, қаҳрамонлик, эзгулик ҳеч қачон унутилмайди. Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти учун курашиб, жон берган ўғлонларни ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олиш, бу йўлда заҳмат чеккан, бугунги кунда ҳам умргузаронлик қилаётган инсонларга меҳр-оқибат, ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда эзгу одатга, қадриятга айлангани шундан.

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларга янги шухук бахш этди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, юртимиз бўйлаб 9 май — Хотира ва Кадрлаш куни тадбирлари юксак савияда ташкил этилди. Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларни моддий-маънавий рағбатлантиришга қаратил-

ган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шioriлари остида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида турли маросимлар, учрашувлар ўтказилляпти. Ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг тураржойи ва уй хўжаликлари таъмирлаб берилмоқда. Ёшлик йилларини оловли жанггоҳларда ўтказган инсонларнинг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларга эга ходимлар бириктирилиб, уларга доимий равишда патронаж хизмати ташкил қилинди. Мамлакатимиздаги санаторийларга бепул йўланмалар ажратилмоқда. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган байрам тадбирларида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам фахрийлар!
Ҳурматли меҳмонлар!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 74 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун барчамиз аввало буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаган азиз инсонларни ёд этамиз, уларнинг хотираси, пок руҳлари олдида таъзим қиламиз. Шафқатсиз урушда, машаққатли меҳнат фронтида мардлик ва жасорат кўрсатган барча фахрийларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром, чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Минг-минглаб жасур ота-боболаримиз дунёдаги кўплаб халқлар қаторида бу муҳаббат урушида чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бу сўнмас жасорат, мана, 74 йилдирки, биз учун мардлик мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ҳақиқатан ҳам, **9 май — Ғалаба куни эл-юртимизнинг асл фарзандлари беш йил давомида мардона жанг қилиб, ёвуз душманни тор-мор этган, мислсиз талафотлар эвазига эришган шон-шараф айёмидир.**

Бу — ҳеч қачон унутилмайдиган, ҳеч қандай куч биздан тортиб ололмайдиган буюк тарих, қудратли маънавий бойлигимиз десак, айни ҳақиқат бўлади.

Биз бу тарихдан куч-қувват оламиз. Бу тарих бизни тинчликни асраб, барча халқлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ келажак бунёд этишга даъват этади.

Ушбу тантанали, айни вақтда маъносунинг куч-қувват оламиз. Бу тарих бизни тинчликни асраб, барча халқлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ келажак бунёд этишга даъват этади.

Ўзбекистонлик 120 мингдан зиёд аскар ва офицер жанг майдонларидаги жасорати учун жаңговар орден ва медаллар билан мукофотланган. Уларнинг орасида 280 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 82 нафар ушбу даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлган жасур инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз **"Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!"** деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикаси фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланди.

Юртимиздан жанг майдонларига 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғлар, ҳарбий-санитария поездлари, юзлаб дала ошонналари, палаткалар, улкан микродора озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон аҳли уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошлана бериб, ўз номини улар билан баҳам кўрди. Айниқса, ота-онани, оиласидан жудо бўлган 200 минг нафар бегуноҳ болаларни **"Сен етим эмассан!"** деб бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатди.

Албатта, бу рақамлар — шунчаки статистик маълумотлар эмас. Бу рақамлар бошимиздан кечирган муҳаббат уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка қақиради. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг қадрига етиб, доимо хушёр ва оғоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳурматли ватандошлар!
Барчангизга маълум, Иккинчи жаҳон урушида, меҳнат фронтида иштирок этган муътабар фахрийларимизга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

Бугунги озод ва эркин ҳаёт учун, фарзандларимизнинг бахти ва камолати учун биз уларнинг олдида чексиз қарздормиз.

Бу азиз инсонларни асраб-авайлаш, уларнинг соғ-саломат ва мазмунли умр кечиришлари учун барча шароитни яратиб бериш — ҳаммамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир. Айниқса, раҳбар ва мутасаддилар буни биринчи навбатда чуқур ҳис этишлари лозим.

Биз шу мақсадда бошлаган ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз, шу йўлда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Азиз дўстлар!
Хабарингиз бор, келгуси йили Ғалабанинг 75 йиллик байрами халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Хозирги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан бирга бу кутлуг санани муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон халқининг буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини акс эттирадиган, гоят муҳим тарихий маълумотларни ўзида мужассам этган китоб-альбом нашрга тайёрланмоқда.

Айни вақтда Тошкент шаҳрининг энг кўркам масканларидан бирида ушбу шонли санага бағишлаб улкан Ғалаба боғини барпо этамиз. Бу борада лойиҳа-қурилиш ишларини бошлаб юборганимизни бугун сизларга маълум қилмоқчиман.

Албатта, бу боғ ва унинг таркибиде бунёд этиладиган шон-шухрат музейини энг гўзал ва пухта ишланган лойиҳалар асосида яратамиз. Аммо бу муҳаббат ёдгорлик мажмуасининг маъно-маъмуни, музей экспозициясини шакллантиришда биз муҳтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклифи ва тавсияларига таянамиз.

Шунинг учун буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур.

Мана, барчамиз гувоҳимиз, уша даҳшатли жангларда иштирок этган, урушнинг азоб-уқубатларини кўрган кишилар сони, афсуски, камайиб бормоқда. Ҳатто уларни таниган, билган одамлар сафи ҳам камаймоқда. Бундай инсонлар, уларнинг ҳар битта сўзи олтинга тенг бўлиб бормоқда.

Шунинг учун уруш ҳақидаги, уруш қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотларни улардан ёзиб олиб, халқимизга етказишимиз керак. Жойларда, таълим-

тарбия масканларида **"Маҳаллаимиз қаҳрамонлари"**, **"Ватан ҳимоячилари"** деган тасвирий кўргазмалар ташкил этсак, ўйлайманки, нур устига нур бўлади.

Бу кўргазмаларда уруш иштирокчилари билан бирга мустақиллик йилларида тинч-осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилиш йўлида мардлик кўрсатган аскар ва офицерларимиз тўғрисида ҳам маълумотлар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Шу тариқа биз ўз тарихимизни, аждодларимизга хос жасорат ва матонат туйғусини, жанговар аъёнларнинг келгуси авлодларимизга мерос қилиб қолдиришга эришамиз. Бу ишларни бугун қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни тарихини ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга қақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва оғоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса хозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Азиз дўстлар!
Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаруқ Она сиймоси кўз ўнгимизда намоеён бўлади. Чунки эл-ўрт ҳимоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуг зот — онадир. Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортиган инсонлар ҳам муштира оналаримиздир.

Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўплаб топиллади.

Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исмли бир муътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этган Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказганлар. Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон,

Ваҳобжон, Юсуфжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган.

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яқсон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!

Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади.

"Жойи чиқса, турмуш қилинлар, мен сизлардан мингдан-миг розиман", дейди Зулфия ая келинларига. Лекин улар ҳам Зулфия аядан ўрناк олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолади, бошқа турмуш кўрмайди.

Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати!

Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудратиди!
Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!

Ҳаётда бирон-бир қийинчиликка дуч келса, умидсизликка тушмасдан, уларни бардош билан енгиб ўтишда Зулфия Зокирова ва унинг оиласи ёш авлодимиз учун чинакам ибрат мактаби эмасми?

"Яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмайди", дейди халқимиз. Биз эзгу ният билан барпо этадиган Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳаббат хайкал ўрнатсак, унга **"Матонат мадҳияси"** деб ном берсак, нима дейсизлар?

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги янги ҳаёт, бекиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан янгича сафарбарликни талаб этмоқда. Мана шу жараёнда тинчликни асраш, дунёдаги тараққийларвар халқлар, давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш бош вазирамизга айланмоқда.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 74 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ — МАРДЛИК МАКТАБИ, ФУРУР-ИФТИХОР МАНБАИ

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — president.uz маълумотларига кўра, давлатимиз раҳбари маълумотларида Хотира майдонига таширғи буюрди. Мотамсаро она хайкали пойга гулчамбар қўйиб, тинчлик учун, авлодлар келажаги учун жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Асосий тантаналар пойтахтимиздаги Ботаника боғида бўлиб ўтди. Тантаналар "Ўзбекистон 24" телеканали дастурлари ва байрам телемарафони ҳамда бошқа расмий каналлар орқали мунтазам ёритиб борилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Баҳаво ва салқин ушбу худуд-

Мирзиёев юртимиз фахри бўлган нурунийларнинг ҳар бири билан кўришди, юзма-юз дилдан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан кўп миллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 74 йиллиги билан самимий мураббабод этди. Хеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверишини, минг-минглаб жасур ота-боболаримиз дунёдаги кўп-кўп халқлар қаторида бу муқаддас урушда чинакам қахрамонлик кўрсатгани, бу сўнмас жасурат, мана, 74 йилдирки, биз учун мардлик мактаби, фурур-ифтихор манбаи бўлиб келаётгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлади.

Байрамона безатилган боғда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси акс эттирилган. Улкан монитори-

нинг рамзий манзаралари акс этди. Иигитларни фронтга кузатиш жараёнидаги ҳиссиётлар, оналарнинг ўз жигарғушларини ажал инсанжасига жўнатаётганидан туйган дарду ҳасратлари юракларини жунбишга келтирди.

Маълумотларга кўра, уруш арафасида мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан ортиги урушда бевосита иштирок этган. Яъни ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлга қурол олиб, жанг майдонларига отланган. Инсоният тарихидаги энг дахшатли қирғинбаротдан юртдошларимизнинг ярим миллиондан зиёди қайтмади. Қанчаси ном-нишонсиз, бедарак кетди. Қайтганларнинг аксарияти бир умрга майиб-мажруҳ ва ногирон бўлиб қолди. Омонсиз жанглардан Ватанимизга тўрт мучаси соғ келганларнинг ҳам юрагидеги, руҳида муқаддас урушнинг аянчли оқибатлари ўчмас из қолдирди.

Уруш йўқотишлари барчамизни тинчлик-омонликнинг қадрига етишга, бугунги дориламон кунларни, оқошга ҳаётимизни, мусаффо осмонимизни асраб-авайлашга, доимо сезгир, хушёр ва огоҳ яшашга даъват этди.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги қўмондонлик штаби, окоп ва блиндажлар, тиббиёт пункти, дала ошхонаси қурилган, ҳарбий техникалар, машиналар, қурол-аслаҳалар намуналари жойлаштирилган.

...Тадбирда "Хотира мангу" композицияси намойиш этилади. Машҳур суҳандон Юрий Левитанинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълони ўқиган овози янгради. Сахналаштирилган жанг манзаралари қалбларни ларзага солади. Хотиржамликнинг, ҳамжихатликнинг инсон бахту саодатида нақадар улкан аҳамият касб этишига яна бир бор амин бўламиз.

Машҳур ўзбек генерали Собир Раҳимов қўмондонлигидаги дивизиянинг Польшани озод этишдаги қахрамонлиги акс эттирилган кўриниш барчада фурур-ифтихор уйғотади.



200 та этик ва қўнғили бутанка юборилган. Енгил саноат корхоналари томонидан 246 миллион сўмликдан зиёд турли маҳсулотлар, шунингдек, 1 миллион 282 минг тонна галла, 482 минг тонна картошка ҳамда сабзавот, 1000 тонна полиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар жўнатилган.

Қўли қўлга тегай кетмон чоплаётган аёллар, ўзи оч-наҳор бўлса-да, қўлидаги мева-чеваларни яшиқларга солиб, вагонларга юклаётган болалар, ўзи юпун бўлса ҳамки, уйдаги бор-будини, кийим-кечақларини уруш кечаетган ҳудудларга жўнатишга шайланган кексалар... Бу манзараларни кўриб беихтиёр кўзларимизга ёш келади. Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини, қозонилган ғалабанинг қадр-қиммати нечоғли баланд эканини яна бир бор аниқлашди. Бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва ҳулосалар чиқарамиз.

Машаққатлар фронтдаги азоб-уқубатлардан асло кам эмасди, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси, Хоразм вилоятининг Богот туманидан келган Марат ота Ғамиров. — Қишлоқ ҳўжалиги далаларида, қорхона ва ташкилотларда мажбурий меҳнат давомийлиги 1,5 баробар оширилди. Болалар ҳам 12 ёшдан ишлашга мажбур этилди. "Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!" дея қилинган тинимсиз меҳнатлар, Ўзбекистон урушининг муштаҳам таъминот базасига айланган халқимизнинг буюк ғалабага қўшган буюк ҳиссаси бўлиб тарихда қолди.

Булут Ақуджаванинг "Нам нужна одна победа", Яков Галицкийнинг "Синий платочек" каби шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

Уруш тугаб, ғалабага эришилгани ҳақида Юрий Левитан эълон қилади. 74 йил олдинги бу қувонч, сурур ана бир бор тадбир иштирокчиларини ҳаяжонга солади.

Ушбу тантанада қатнашиш насиб этганидан жуда хурсандман, — дейди Фаргона вилоятининг Ташкент туманидан келган Одилов Зокиров. — Кўнглим кўтарилиб, яшаргандек ҳис қилдим ўзимни. Биз, кексалар, уруш қатнашчилари кўрсатилаётган эътибордан гоё бахтиёрмиз. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кўни байрами арафасида Президентимиз мукофотини оламиз. Бу йил давлатимиз раҳбари Фармонига асосан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 7 миллион 500 минг сўмдан пул берилди. Бундан ташқари, ўзимиз жанг қилган мамлакатларга давлат ҳисобидан сафар қилишимиз, хориждаги санаторийларда дам олишимиз учун шарт-шароитлар яратилган. Бундай эъзоз ва эътибор бизга куч-қувват бағишлайди.



Сарвар ҲУМОНОВ ва Оқил ҲУЛОМОВ (ўЗА) олган суратлар.

да Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари учун қўлай шароитлар ҳозирланган. Қўркам табиат, хушманзара дарахтлар, анвойи гуллар кўнглиларга кўтаринкилик, хуш кайфият бағишлайди.

Президентимиз Шавкат

ларда халқимизнинг фронт ва фронт ортида кўрсатган матонатини ҳамда жасорати, ёвқур ўғлонларининг мислсиз қахрамонликлари акс этган лавҳалар намойиш қилинади.

Бог йўлакчаларида уруш дав-

бева қолган аёлларнинг, бола бошига турмушнинг аччиқ синовларини енгишга мажбур бўлган етимларнинг фиғони урушдан кейин ҳам узок йиллар акс садо берди турди ва ҳали ҳам тингани йўқ, десак, муболага эмас.

— Урушнинг оғир кунларини, очил азобларини кўрганим учун осойишта ҳаётимизнинг ҳар бир кунини катта бахт деб биламан, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида яшовчи Болтабай ота Ибадуллаев. — Шу боис урушдан кейинги йилларда юртимизни қайта тиклаш ишларида бор куч-гайратимни аямдим. Туманимиздаги 8-умталийм мактабиде узок йиллар ёшларга сабоқ бердим. Ҳаётимиз қил устида турган уша урушнинг муқаддас лавҳаларида бугунги дориламон кунлар, фаровон ҳаёт ширин орому эди биз учун. Шу боис ўнгимда ҳам, тўшимда ҳам, тилимда ҳам, дилимда ҳам Яратгандан тинчликни абадий қилишини сўрайман. Қонли урушни биз кўрдик, бошқа авлод кўрмасин.

Фронт орти уқубатлари — кечани кеча, кундүзни кундүз демасдан оғир шароитларда меҳнат қилган юртдошларимизнинг матонати ва жасорати, ватанпарварлиги акс этган эпизодлар эътиборини тортди.

Ўзбекистондан урушга 7 миллион 518 минг 800 та гимнастёрка, 2 миллион 636 минг 700 та пахталик, 2 миллион 221 минг

дй ва маънавий рағбатлантириш, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳудудки муҳофазат қўлиш органилари ҳодимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш аянчага айлангани, бу қалбларда миннатдорлик туйғусини муштаҳамлаётгани таъкидланди. Жумладан, бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 сўмдан пул мукофоти берилгани диққатга сазовордир.

2162 нафар фронт орти ва меҳнат фахрийси, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофазат қилиш органилари ҳодимлари оилалари ҳам эътибордан баҳраманд бўлдилар.

Самарқанд вилоятида ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хонадонларига йўқлов тадбирлари уюштирилди. Кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги бундай маросимларда Президентимизнинг табриғи ўқиб эшиттирилиб, бир марталик пул мукофоти ва ташкилотчиларнинг қимматбахо совғалари тантанали равишда топширилди.

Вилоятнинг барча шаҳару қишлоқлари бўйлаб бундай тадбирлар давом эттирилмоқда.

Қақшадарё вилояти марказидаги Хотира хиёбони ҳам ҳар қанчидан гавжум бўлди. Вилоят фаоллари уруш қурбонлари хотирасига ҳуқур эҳтиром рамзи сифатида Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар иштирокидаги парад, уруш йилларида фойдаланилган қурол-аслаҳалар, кийим-кечак ва асбоб-анжомлар кўргазмалари, шунингдек, аскар куй-қўшиқлари ва рақс ижролари маросимга ўзгача файз бағишлади.

Бундай унутилмас учрашув ва мулоқотлар, тадбирлар тобора гуллаб-яшнаётган Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди. Дастлаб Хотира майдонида Мотамсаро она монументи пойига гуллар қўйилиб, Ватан ҳимояси йўлида жон фидо этганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Сайхун қўчасида эса ҳарбий парад намойиш этилди.

Юрт байроғи майдонида ташкил этилган театрлаштирилган тарихий композициялар иштирокчиларда алоҳида таассурот қолдирди. Унда юртимиз тинчлиги йўлидаги қахрамонликлари билан шонли тарихимиздан мангу

...Алишер Навойнинг "Мубтало бўлдим санга", Муқимийнинг "Айрилмасин" газаллари, Камтарнинг "Аскар мактуби", Хайриддин Салоҳнинг "Мени эслағил", Исроил Ваҳобовнинг "Ўзбекистоним",

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

БУ ТАРИХ БИЗНИ ТИНЧЛИКНИ АСРАБ, БАРЧА ХАЛҚЛАР БИЛАН ДЎСТ ВА ҲАМКОР БЎЛИБ, ЁРУФ КЕЛАЖАК БУНЁД ЭТИШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ

Президентимизнинг жорий йил 23 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кўнига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, улар ҳолидан хабар олинапти. Ватанимиз тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатиб, жонини фидо қилган боболар, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофазат қилиш органилари ҳодимларининг хотираси ёд этилмоқда. "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч" шиорлари остида ташкил этилаётган тадбирларда тинчлик ҳамда осуда ҳаётнинг қадр-қиммати, Ватанга садоқат ҳисси билан яшаш, навқирон авлодни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилаётди.

Шуқуқ

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни тадбирлари эрта тондан Нукус шаҳридаги Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйиб билан бошланди. Мазкур маросимда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, давлат ва ҳуқуқни муҳофазат қилиш органилари вакиллари, ўқув мусассасалари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

— Инсоният энди ҳеч қачон уруш балосини кўрмасин, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Тлеубай Утепбергенов. — Биз, фахрийлар кўрсатилаётган юксак эъзоздан чексиз миннатдоримиз. Юртимиз гуллаб-яшнаверсин, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Анджон вилояти марказидаги Хотира майдонида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангҳоллардан омон қайтган болаларимизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатлиги йўлида кўрбон бўлган мард жангчилар хотирасини ёд олдилар.

Шаҳарнинг шинам мактанларидан бири — Фаворалар майдони ҳамда унга туташ кўчалар одамлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши йилларини эслатувчи сахна кўринишлари намойиш этилди. Уша суронли йиллар куй-қўшиқлари янгради. Халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссаси, барикенглиги, тинчликсеварлиги, элпарварлигини кўрсатувчи лавҳалар ҳеч қачон бефарқ қолдирмади.

Хотира ва Қадрлаш кўни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 74 йиллиги мунсабабати билан **Жиззах вилояти**да ҳам кўп-кўп тадбирлар ташкил этилди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда вилоятда 36 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 941 нафар фронт орти меҳнат фахрийси истикомат қилади. Улар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибори эъзоз туйғулари фа- ровон ҳаёт кечириб, қариллик гаштини суришмоқда.

— Шундай тинч ва фаровон юр- тда яшаётганимдан бахтлиман, — дейди Жиззах шаҳридаги Ҳўрапелик махал- ласида истикомат қилувчи Абдуқалил Абдуҷабборов. — 1944 йилнинг ёзида урушга отланиб, иккинчи Беларусь фронти жангларида қатнашдим. Фашистларни Берлинга қувиб бо- ришда иштирок этдим ва 1948 йилда соғ-саломат уйга қайтдим. Уруш номи билан уруш. У кунлар тарихда қолсин, илоҳим.

Маросимнинг тантанали қисми "Фориш" тоғ полигониде давом этди. У ерда ҳарбий техникалар ва махсус отрядларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди.

Навоий вилоятида ҳам ўтганлар хотираси ёдга олинди, бугун сафла- римизда юрган нуруний отахону она- хонлар эъзозланди. 37 нафар Иккин- чи жаҳон уруши иштирокчисига давлатимиз раҳбарининг табриғи ҳамда бир марталик пул мукофотлари топширилди. Кекса авлод вакиллари билан ёшларнинг учрашувлари, мулоқотлари уюштирилди.

— Шундай кунларга етганимизнинг ўзи Яратганинг бизларга бениҳоят кат- та иноятидир, — дейди 96 ёшли Ялла бобо Равшанов. — Бизга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик, эътибор умримизга умр қўшмоқда.

Хотира майдонидаги Мотамсаро она хайкали пойига вилоят ҳокимли- ги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари гуллар қўйиб, номлари олтин саҳифаларга битилган юртдош- ларимиз хотираси ёдга олинди.

Шундан сўнг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнати фахрийлари, шаҳар аҳолиси учун ви- лоят марказидаги Алишер Навоий но- мидеги маданият ва истироҳат боғи- да тантанали тадбир ташкил этилди. Ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг чиқишлари, ҳарбий техникалар кўргазма- си барчада катта таассурот қолдирди.

Хотира ва Қадрлаш кўни мунсаба- би билан **Наманган вилояти**да исти- қомат қилаётган 48 нафар уруш фахрийси ҳолидан хабар олинди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчла- ри ва ногиронларига давлатимиз то- монидан мукофотлар топшириш, мод-

дй ва маънавий рағбатлантириш, фронт ортида меҳнат қилган фахрий- ларга, хизмат бурчини бажариш чоғи- да ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳудудки муҳофазат қўлиш органи- лари ҳодимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш аянчага айлангани, бу қалбларда миннатдорлик туйғусини муштаҳам- лаётгани таъкидланди. Жумладан, бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 сўмдан пул мукофоти берилгани диққатга сазовордир.

2162 нафар фронт орти ва меҳнат фахрийси, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофазат қилиш органилари ҳодимла- ри оилалари ҳам эътибордан баҳрам- анд бўлдилар.

Самарқанд вилоятида ҳам Иккин- чи жаҳон уруши қатнашчилари хона- донларига йўқлов тадбирлари уюшти- рилди. Кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги бундай маросимларда Президентимизнинг табриғи ўқиб э- шиттирилиб, бир марталик пул му- кофоти ва ташкилотчиларнинг қиммат- баҳо совғалари тантанали равишда топширилди.

Вилоятнинг барча шаҳару қишлоқ- лари бўйлаб бундай тадбирлар давом эттирилмоқда.

Қақшадарё вилояти марказидаги Хотира хиёбони ҳам ҳар қанчидан гавжум бўлди. Вилоят фаоллари уруш қурбонлари хотирасига ҳуқур эҳтиром рамзи сифатида Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар иштирокидаги парад, уруш йилларида фойдаланил- ган қурол-аслаҳалар, кийим-кечак ва асбоб-анжомлар кўргазмалари, шунингдек, аскар куй-қўшиқлари ва рақс ижролари маросимга ўзгача файз бағишлади.

Бундай унутилмас учрашув ва му- лоқотлар, тадбирлар тобора гуллаб- яшнаётган Сирдарё вилоятининг Гу- листон шаҳрида бўлиб ўтди. Даст- лаб Хотира майдонида Мотамсаро она монументи пойига гуллар қўйилиб, Ва- тан ҳимояси йўлида жон фидо эт- ганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Сайхун қўчасида эса ҳар- бий парад намойиш этилди.

Юрт байроғи майдонида ташкил этилган театрлаштирилган тарихий композициялар иштирокчиларда ало- ҳида таассурот қолдирди. Унда юр- тимиз тинчлиги йўлидаги қахрамонли- клари билан шонли тарихимиздан мангу

фюллари, ёшлар билан гавжум бўлди. Маросим иштирокчилари шарафига дастурхон ёзилди. Унинг атрофида жамулжам бўлган пире давлат отахон ва онахонлар уруш ҳамда ундан кейинги суронли йиллар, халқимиз турмушида кенг синав ва қийинчи- ликлар ҳақида гап очиб, ёш авлодни бугунги тинч-осойишта ҳаёт, фаровон кунлар қадрига етиш ва шукроналик билан яшашига чорловчи хитраларидан сўзладилар.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар- нинг куй-қўшиқлари кечага алоҳида файз бағишлади.

Юртимизда Иккинчи жаҳон уруши талафотларидан жабр кўрмаган, қирғинбарот жангларда яқинларидан айрилган бирота хонадон, оилани топиш қийин. Масалан, уша йиллари Хоразмдан 67 300 нафар киши уруш- га кетган бўлса, шулардан атиги 21 351 нафари юртимизга қайтиб кел- ган. Хозирги кунда вилоятда 36 на- фар уруш қатнашчиси эл-юрт ардоғи- да истикомат қилмоқда.

Барча жойда бўлганидек, **Хоразм вилояти**да ҳам Президентимизнинг жорий йил 23 апрелдаги "Иккинчи жа- ҳон уруши қатнашчиларини рағбат- лантириш тўғрисида"ги Фармони асо- сида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Иккинчи жаҳон уруши қат- нашчиларининг хонадонларида бўлиб, уларга давлатимиз раҳбарининг та- бриғимиз ва 7,5 миллион сўмлик пул мукофоти ҳамда қимматбахо совғалари тантанали равишда топширилди.

9 май кўни эрта тонда Урганч шаҳридаги Хотира майдонида таширғи буюрганлар Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйиб, ҳурмат бажо кел- тирдилар. Жанг майдонларида қахра- монлик намуналарини кўрсатган ота-боболаримизнинг буюклим иро- даси, жасорати ва матонатини ёдга олдилар.

— Бу йил 99 баҳорни қаршиладим, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, хонқалик Қўшнарзар бобо Раҳимов. — Умрим давомиде яхши- ёмон кунларни, ҳаётнинг қувончу таш- вишларини кўрдим. Насиб қилган экан, бугунги дориламон кунларга соғ-омон етиб, давлатимиз эътиборида, фарзанд- ларим, нева-р-чеварларим эъзозиде умргузаронлик қилаяман. Президентимизнинг биз, уруш фахрийларига кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрли- гидан чексиз миннатдорим. Илоҳим, юртимиз доимо тинч, халқимизнинг ризқи баракали, толеи порлоқ бўлсин!

9 май кўни эрта тонда Урганч шаҳридаги Хотира майдонида таширғи буюрганлар Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйиб, ҳурмат бажо келтирдилар. Жанг майдонларида қахрамонлик намуналарини кўрсатган ота-боболаримизнинг буюклим иро- даси, жасорати ва матонатини ёдга олдилар.

— Бу йил 99 баҳорни қаршиладим, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, хонқалик Қўшнарзар бобо Раҳимов. — Умрим давомиде яхши- ёмон кунларни, ҳаётнинг қувончу таш- вишларини кўрдим. Насиб қилган экан, бугунги дориламон кунларга соғ-омон етиб, давлатимиз эътиборида, фарзанд- ларим, нева-р-чеварларим эъзозиде умргузаронлик қилаяман. Президентимизнинг биз, уруш фахрийларига кўрсатаётган эътибори ва ғамхўрли- гидан чексиз миннатдорим. Илоҳим, юртимиз доимо тинч, халқимизнинг ризқи баракали, толеи порлоқ бўлсин!

Ташкилотлари вакиллари, маҳалалар

«Халқ сўзи».

МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ, ЭЗГУ АНЪАНА

ЎЗБЕК ГЕНЕРАЛИ СОБИР РАҲИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРИЛДИ



Кеча Тошкент шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари кўмондонлиги, Куролли Кучлар Академияси, Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти шахсий таркиби, кенг жамоатчилик ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Генерал Собир Раҳимов 1902 йилда Тошкентда таваллуд толган. 1941 — 1945 йиллардаги жангларда қатнашган ҳамюртимизнинг матонати, жасорати, қатъияти, ўзига хос жанг тактикаси тарихнинг олтин зарваракларидан жой олган. У ўндан ортиқ жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган.

Маросимда ана шулар ҳақида сўз юритилиб, Ватан ўғлонларининг жасорати ҳеч қачон унутилмаслиги, улар мардлик мактаби экани таъкидланди.

Тимур НАРЗИЕВ.

Ватан, юрт, миллат озодлиги ва мустақиллиги учун курашган, жонини фидо қилган инсонлар қаҳрамонлиги ҳеч қачон унутилмайди. Ўзбекистонимиз мустақиллиги даврида тарих зарваракларига Ватанимизнинг ана шундай мард фарзандлари номлари ҳам муҳрланди.

Қаҳрамонлик унутилмайди

Кишлоқдошимиз капитан Камолитдин Тошпўлатов — шундай жасур ўғлонлардан бири эди. У босқинчи ва ёвуз кучларга қарши курашларда буюк ирода ва жасорат намунасини намойён этиб, мустақиллигини асраш, юртимиз тинчлигини таъминлаш, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллатимиз гурурини ҳимоя қилиш, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун ўз жонини фидо қилди.

Ҳозиргидек эсимда, 1988 йил ёз ойлари эди. Камолитдин келаси йили Фарғона шаҳридаги махсус ҳарбий мактабга ўқишга кирмоқчи эканлигини айтиб, маслаҳат сўради. Ушунда ушбу мактабнинг иккинчи босқичида ўқирдим. Бундан хурсанд бўлиб, унга ўқишга киришга тайёрланишда нималарга эътибор бериш лозимлигини тушунтирдим.

Камолитдин ҳарбий мактабда ҳам худди ўрта мактабдаги сингари доимо ил-

форлар қаторида бўлди. У мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкент олий умумқўшун кўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Билим юртида аъло бакиларга ўқиганлиги, намунали хулқи учун сержант унвонига сазовор бўлди ва взвод командири сифатида хизмат фаолиятини юритди. Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлагач, 1996 — 2000 йиллар давомида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмларда турли лавозимларда ҳарбий хизматни ўтати.

Камолитдин оила улуғларининг рози-ризоллиги билан 22 ёшида кишлоқдошимиздаги ўзи кўнгли берган Гулноза исмли қизга уйланди. Умиджон ва Миркомил исмли икки фарзанднинг отаси бўлди.

2000 йили террорчи тўдалар очқидан-очқиқ тажовузга ўтиб, давлатимиз чегарасини бузиб, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туман-

ларига бостириб келганида Камолитдин ўша ҳудудларда ўз хизмат вазифасини ўтаётган эди. У мардлиги, чакқонлиги, ҳар бир топшириққа жиддий масъ-

ўрнини — ўғил”, деб бежиз айтишмаган экан. Миркомил ҳам келажақда отаси каби ҳарбий бўлишга аҳд қилган.

Йигитлик бурчини шараф



Тарих зарваракларида

Тошкентликлар матонати

Уруш даврида фронт ортига, Ўзбекистонга жўнатилган болалар ҳаёти сақлаб қолинган. Ана шу савий-ҳаракат ортидан Тошкент “нон шахри” дея ном чиқарган. Уруш йилларида минглаб бошпанасиз қолганларни бағрига олиб, уларни очлик балосидан сақлаб қолган пойтахтликларни танти, мард ватандошларимиз, десак бўлади.

1942 йилнинг киши жуда совуқ келгани боис ҳаммани қийнаб қўйган. Эвакуация қилинганлар эшелонларда Тошкентга кела бошлашди. Шубҳасиз, уларнинг кўпчилиги болалар эди. Халқимиз уларни ўз фарзандидек бағрига олди, бошпанасиз, озиқ-овқат билан таъминлади.

Шаҳар ижроия қўмитаси қарори билан фронт ортига жўнатилган, ота-онасини йўқотган болаларга 10 минг сўм ёрдам пули ажратилар эди.

1942 йил 2 январда пойтахтимизда кўп минг сонли хотин-қизлар йиғилиши бўлиб ўтди. Улар эвакуация қилинган болаларни уйимизда бор кийим-кечак, пойабзал, зарур буюмлар билан таъминлашимиз керак, деган чакриқ билан чиқшди. Шундан сўнг 643 оила ва 69 жамоа кўчириб келтирилган ўсмирлар ва болаларни ўз тарбияларига олишди. Уларга ёрдам учун 300 мингдан зиёдроқ кийим-кечак, турли буюмлар тўпланди, кийим-кечак тикиш комбинати жамоаси 1000 та кўйлак ва ички кийимлар, пойабзал тайёрлаб берди.

Шаҳар маъмурияти кўчирилганларни қабул қилиш, жойлаштириш, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, янги болалар уйлари, боғчалари ташкил қилиш ишлари билан шуғулланди. 1942 йилга келиб, 20 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг болалари шундай муассасаларга жойлаштирилди, худди шунча болалар учун ошоналар очилди.

Архив ҳужжатлари маълумотларига кўра, 1941 йилнинг 22 декабридан 1942 йилнинг 17 ноябригача бўлган даврда 33 348 нафар кишига ажратиб берилгани миллиатимизнинг буюк саховати ва меҳридан далолатдир.

Архив ҳужжатлари маълумотларига кўра, 1941 йилнинг 22 декабридан 1942 йилнинг 17 ноябригача бўлган даврда 33 348 нафар кишига ажратиб берилгани миллиатимизнинг буюк саховати ва меҳридан далолатдир.

Фирюза ДАДАЕВА, Тошкент шаҳар давлат архиви директори.

Дехқонободда Хотира хиёбони очилди

Дехқонобод тумани марказида очилган Хотира хиёбонидан Мотамсаро она ҳайкали, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аскарлар номлари битилган “Хотира китоби” ўрин олган.



Туман ҳокимлиги, Дехқонобод каллийи ўғитлар заводи ҳомийлигида бунёд этилган ушбу маскандан 1 миллиард 23 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мажмуанинг очилишга бағишланган маросимда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, вилоят ҳамда туман ҳокимлиги, Дехқонобод каллийи ўғитлар заводи ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилиб, уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

— Дехқонобод туманидан фронтга отланганларнинг 2119 нафари ҳалок бўлган ёки бедарак кетган, — дейди “Нуроний” жағмармаси Дехқонобод тумани бўлими раиси Кенжа Эшбоев. — 684 нафар аскар урушдан қайтиб келган. Ҳозир шулардан 5 нафари ҳаёт. Ушбу мажмуа оловли жанггоҳлардан қайтмаган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш учун қурилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Президентимиз томонидан жуда катта имтиёзлар берилган. Байрамда уларга давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, бир марталик пул мукофотлари ва совғалар топширилди.

— Биз оилада беш ака-ука

эдик, бешовимиз ҳам урушга кетдик, — дейди Жума бобо Ибрагимов. — Мен кенжаси эдим. 1944 йили, уруш тугаши арафасида ҳарбий хизматга чақирилдим. Узоқ Шарққа юборишди. Галаба қозонилганидан кейин ҳам, 1950 йилгача аскарлик бурчимизни бажардик. Уйга келсам, урушга кетган 4 акамнинг иккиси ярадор бўлиб қайтган, иккиси эса ҳалок бўлган экан. Ушбу “Хотира китоби”да уларнинг номларини кўриб, кўнглим таскин толгандек бўлди.

— “Хотира китоби”дан бобомиз Ибодилла Тилововни топиб, хурсанд бўлдик, — дейди Қарашина маҳалласида яшовчи Равшан Тиловов. — Бобом 1944 йилда Беларусдаги жангларда қурбон бўлган. Илгари уларни эслаш учун пойтахтимиздаги Хотира хиёбонига борар эдик. Мана, энди ўзимизнинг туманимизда ҳам шу тупроқдан урушга кетиб қайтмаганларнинг номлари муҳрланди.

Тадбирда Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, ўша давр аскарларининг ҳарбий чиқилари ва галаба кунларини акс эттирувчи театрлаштирилган сахна кўринишлари намойиш қилинди. Ҳарбий оркестр садолари, ватанпарварлик, мардлик ва жасоратни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари ижодий жамоаси фахрий журналист Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Хива туманидаги Саёт кишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Самандар Худойбергенов бу йил юз баҳорни қарши олди. 50 нафардан ортиқ неварачеваралар ардоғида умргузаронлик қилаётган бобо кишлоқнинг пири бадавлат отахонларидан бири.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

1939 йилда ҳарбий хизматга қақирилган Самандар Худойбергенов фронтнинг оловли жабҳаларида, аёвсиз жангларда иштирок этди.

Ҳаётнинг оғир синовларини бошидан ўтказди. Насибаси узилмаган экан, 1945 йилда урушдан ёруғ юз билан қайтиб келди. Самарқанд кишлоқ хўжалиги институти тамомлаб, узоқ йиллар иштирок ҳўжалигида ҳисобчи, иқтисодчи вазибаларида сидқидилдан меҳнат қилди.

— Бугунги дориламон кунларга эсон-омон етиб келишнинг ўзи катта бахт, — дейди Самандар бобо. — Бундай тинч ва фаровон турмушни, юртимиз озодлиги ва ободлигини кўриш кўплаб қуролдошларимизга насиб этмади. Яратганга беҳисоб шукр, эл-юрт ардоғида шундай табарруқ ёшга етдик. Ҳар байрамда вилоят, туман ҳокимлари, турли ташкилотлардан келиб табриклашади, совғалар келтиришади. Президентимиз Фармони билан ҳар йили катта миқдорда пул мукофотини оляпмиз. Мана энди уруш қатнашчиларига тиббий хизмат кўрсатиш учун алоҳида ҳодимлар бириктирилибди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Илоҳим, дунёда тинчлик барқарор бўлсин, юртимизга кўз тегмасин, халқимизнинг ризқи бутун бўлсин!

Байрам арафасида Самандар бобони кўп йиллардан буюн ташвишга солиб келаётган яна бир муаммо ўз ечимини топди. Гап шундаки, бобо истиқомат қилаётган ҳовли ўзбосчималлик билан қурилган тураржой тоифасига киритилган эди. Уй-жойларга нисбатан мулк

ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдават акцияси доирасида туман давлат хизматлари маркази ҳодимлари Самандар бобого уйга эгалик ҳуқуқини берувчи тегишли қарор ва кадастр ҳужжатларини топширдилар.

Бугун Хоразм вилоятида Самандар бобо сингари 38 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси давлатимиз эътибори, халқимизнинг эъзозидида ҳаёт кечирмоқда. Салкам бир асрилик тарихнинг жонли гувоҳи бўлган бу табарруқ отахонлар юртимиздаги янгилашни ва ўзгаришлардан қувов-



ниб, ёшларимиз бахту камоллини тилаб, дуога қўл очадилар. Умрининг ҳар бир лаҳзаси қадрига етиш, ҳаёт дафтари-рини эзгу амаллар билан безашга давъат этадилар.

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Хоразм вилоятида

ҳам Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 74 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан уруш қатнашчиларининг яшаш шароитлари ўрганилиб, зарур ҳолларда уй-жойларни таъмирлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тадбирлари амалга ошириляпти. Шунингдек, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат буюқини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза

қилиш органлари ҳодимларининг оила аъзоларига тегишли ташкилотлар томонидан моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатишмоқда.

Ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида “Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият”, “Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч” шioriлари остида ўтказилаётган учрашувлар ёшларни ота-боболар жасоратига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этапти.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Тақдир синовларини енгган аскар

Жасорат кўрсатган инсонлар хотираси мангу барҳаёт. Ана шундай қаҳрамонлардан бири Шарифжон Соҳибовдир.

Оилада кенжа фарзанд бўлган Шарифжоннинг болалиги ҳозиргидек дориламон кунларда эмас, аксинча, урушнинг совуқ уфқларида ўтди. 11 ёшида оила аъзолари билан Украинага қулоқ қилинди. У қулоқ қилинганлар сафиди бўлса-да, ўз она тилида таълим олишда давом этди. 1937 йил... Совет ҳукумати томонидан чиқарилган махсус

қарор асосида ўқишини давом эттириш учун Ўзбекистонга юборилди. 1941 — 1943 йилларда эса Андижоннинг Луғумбек кишлоғида ўқитувчи лавозимда фаолият юритди. Ёш авлодга илм зиёсини таратди.

Уруш остонаси биздан анча олисларда бўлишига қарамай, аждодларимиз Ватан шаънини ҳимоя қилиш учун жонини хатарга солиб, жангга боришган. Шарифжон ҳам йигитлик бурчини адо этди, яъни 1943 йили армияга отланди. Билағида куч, юрағида юртга муҳаббат жўш урган йигит Курск

остонасида жангга кирди. Шу билан бирга, рус тилини яхши билгани, билими, тажрибали, жисмонан бақувват бўлгани туфайли қисқа фурсат ичида армия разведкаси жангчилари қаторидан жой олди. Жасорат билан душман худудига кириб, кўплаб рейдларда қатнашди. Албатта, бу бесапар кетмаган. Шарифжон кўмондонликнинг ташаккурномалари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Хатто, у Қаҳрамон унвонига тавсия қилинди. Аммо Шарифжонга бу қаҳрамонлик татимасди. У қулоқ қилинган оила

аъзолари билан дийдор кўришини афзал кўрди. Шу боис “Менга қаҳрамонлик берманг, онам ва бошқа оила аъзоларимни Украинадан қулоққидан озод қилишингизни сўрайман”, деб мурожаат этди.

Шарифжон Соҳибов урушдан сўнг яна таълим соҳасига ўзини бағишлади. 1986 йилгача Андижон давлат университетига сабоқ берди.

Бугун у яқинлари, дўсту биродарлари, шогирдлари томонидан яхши ном билан эсланади.

Жонибек МАЪРУПОВ.

Эҳтиром

«МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ»
КЎКРАК НИШОНЛАРИ
ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда эл-юрт равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган нурунийларни «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимлари ташкил этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 14 июлдаги қарорига мувофиқ, мазкур кўкрак нишони билан юртимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, юриспруденция, таълим ва бошқа соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, ишлаган ва ҳаётини оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган онахонлар тақдирлини келинмоқда.

Хоразм вилоятида ўтказилган ана шундай тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда нурунийларга, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида

эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. — Бу юксак мукофотнинг Хотира ва Қадрлаш куни арафасида тантанали равишда топширилаётганида ҳам рамзий маъно бор, — дейди Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи, I даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони соҳиби Шарип Курбанов. — Президентимизнинг бу эътибори биз, фахрийларни юртимизда юз бераётган туб ўзгариш ва янгилинишларда фаол иштирок этишга, ўз ҳаётий тажрибаларимизни ёшларга ўргатиш, уларни Ватанимизга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш ишига камарбаста бўлишга ундайди. Тадбирда турли соҳаларда самарали меҳнат қилган 53 нафар кекса авлод вакилига I, II, III даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари тантанали топширилди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).



«Агробанк» АТБ жамоаси

9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш куни

билан юртдошларимизни ҳамда мижозларини табриклайди!



Она Ватанимиз тинчлиги йўлида жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган ҳамда фронт ортида фидокорона меҳнат қилган муҳтарам фахрийларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, иқтисодиётимиз янада юксалаверсин!

Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони!

/ AgrobankChannel

/ agrobankuzbekistan

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг

Download on the App Store

GET IT ON Google Play

www.agrobank.uz

тел.: 71-203-88-88

Хизматлар лицензияланган.



ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИ

Азиз ва қадрдон ватандошлар, сизларни

9 МАЙ —

Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан қутлаймиз!

Ўз Ватанини жанг майдонларида ҳимоя қилган ва фронт ортида фидокорона меҳнати билан камарбаста бўлган Ўзбекистон қаҳрамонларини мангу ёдда тутамиз, уларга шон-шарафлар бўлсин.

Хотира ва Қадрлаш куни аجدодларимиздан ғурурланиш, сафимизда юрган тинчлик фидойиларига яна бир бор ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш кунидир.

Барчангизга тинчлик, саломатлик ва фаровонлик тилаймиз!

Бунёдкорлик йўлида доимий ҳамкорингиз «BOG'DOD KARVON» қурилиш компанияси.



«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com





«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.




Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси






Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.

Тел.: 93-555-00-95, 93-555-12-88, 71-291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертификатланган.

Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламнигиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама**

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.

Газетанинг сўзга берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6